

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг ҳаёт йўллари



09:00 / 31.08.2023 1727

(тўққизинчи мақола)

Уламоларимизнинг таъкидлашларича, Аллоҳ таоло Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳуга энг яхши жангчига керак бўладиган барча сифатни берган эди. У киши жангчи сифатида ўзига жуда ҳам ишонар ва Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимдан ёрдам кутмас эдилар. Жанг пайтида агар юз минг кишилиқ лашкарнинг бири бўлсалар ҳам, ўзларини ёлғиз ҳис қилар ва жангнинг масъулияти фақат ўзларининг елкаларида тургандек ҳаракат қилар эдилар. Яна у киши бошқалардан жангчи сифатида сабот-матонатлари ва кучли бардошлари билан ажралиб турар эдилар.

Макка фатҳидан кейин Ҳунайн жанги бўлди. Унда аввалги ғалабалардан ва ададларининг кўплигида ғурурга кетган мусулмонлар душманнинг пистирмасига дуч келиб, ҳар тарафга тирқираб қоча бошладилар. Фақат Аллоҳ таолонинг инояти ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сабот ва матонатлари туфайли кейинчалик ишлар юришиб кетди. Аллоҳ таоло Ўз Расулига нусрат берди.

Шунда Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг кўзи пана жойда яна пистирма қуриб, пайт пойлаб турган мушрикларнинг бошлиғи Молик ибн

Авфни кўриб қолдилар. Вазият жуда нозик эди. Бир лаҳза кечикилса, мусулмонларнинг бир қанча бошлиқлари нобуд бўлишлари мумкин эди. Ана шундай таҳликали бир пайтда Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу бир ўзлари душман тўпи устига от солдириб бордилар. Ҳеч нарсадан тап тортмай, душман устига ҳамла қилиб, уларни тирқиратиб юбордилар.

Бундай ишни қилиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаворийси керак эди.

Бундай ишни қилиш учун Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу керак эди.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида котиблик қиладиган оз сонли мирзалардан бири эдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Ҳабашистонда бўлган вақтларида Нажоший у кишига қимматбаҳо калта найза совға қилган эди. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ўша найзани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга совға қилган эдилар. Найза икки ийд ва бошқа кунлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида кўтариб юрилар эди.

Кейинчалик аббосий халифалардан Мутаваккилга ўша найза етиб келганда худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида кўтариб юрилгандек, унинг ўз олдида кўтариб юрилишига амр қилган.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўттиз саккизта ҳадиси шариф ривоят қилганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.